**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги “Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратиш тўғрисида икки томонлама ШАРТНОМА № Бешарик Т-1**

«12» Декабрь 2022 й. Фарғона шаҳар

**“Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма бошлиғи деб юритилади) номидан Бошқарма бошлиғи **А.А.Абдуллаев** бир тарафдан, **“AGRO SERVICE HOUSE” МЧЖ** номидан директор **Исмоилов Анвар Эгамберди Ўғли** иккинчи тарафдан ўтказилган тендер натижаларига асосан (*тендер протоколи илова қилинади*) қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**I. Шартнома предмети**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкмасининг 2022 йил 11 майдаги ВМ-252-сонли “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижроси юзасидан ушбу Шартнома тузилди.

1.2. Банд бўлмаган томорқа ер эгалари учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги **“Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси** (бундан буён матнда жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан субсидия берилади.

1.3. Мазкур шартнома бўйича Бошқарма тўловни амалга ошириш ва **“AGRO SERVICE HOUSE” МЧЖ** Бешариқ туманида мавжуд бўлган 18 нафар томорқа ер эгасига маҳсулотларни етказиб бериш (ўрнатиш), томорқа ер эгаси эса харид қилинган воситалардан самарали фойдаланиш мажбуриятини зиммасига олади.

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Маҳсулот миқдори | Қуриб берилиши керак бўлган иссиқхоналар сони | 1 дона маҳсулот баҳоси | Жами суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Енгил конструкцияли иссиқхона | м2 | 100 | 18 | 8 480 000 | 152 640 000 |
| | | | | | **Умумий суммаси** | **152 640 000** |

Шартнома бўйича (ҚҚСсиз) умумий суммаси **152 640 000** **Бир юз эллик икки миллион олти юз кирк минг)** сўмни ташкил этади (сўзлар билан ёзилади).

**II. Субсидия миқдори, тўлов шартлари, кўрсатиладиган хизматлар сифати ва бажарилиш муддатлари**

2.1. **“AGRO SERVICE HOUSE” МЧЖ** субсидия олиш учун Бошқармага томорқа ер эгалари билан тузилган шартномани тақдим этади. Шартномага асосан Бошқамра томорқа ер эгалари учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бароборигача **“AGRO SERVICE HOUSE” МЧЖ** га субсидия тўлаб беради.

2.2. ВМ 252-сонли қарорининг 3-Боб 11-қисмига асосан “Онлайн-Маҳалла” электрон платформа марказ раҳбари хулса берганидан сўнг, Бошқарма бошлиғи буйруғи қабул қилинади.

2.3. ВМ 252-сонли қарорининг 3-Боб 12-қисмига *асосан “Хабарнома юборилган кундан бошлаб Агентликнинг ҳудудий бошқармаси етказиб берувчи ташкилот ва томорқа ер*

*эгаси ўртасида ўн иш кунида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради"* шартн тузилади.

2.4. Шартнома имзолангандан кейин ВМ 252-сонли қарорнинг 1-боб 14-бандига асосан 5 кун мобайнида Бошқарма **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ**га шартноманинг умумий суммасининг 30% миқдорини тўловни ўтказиб беради. Шартнома умумий суммасининг қолган 70% тўловини **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** маҳсулотни Бешариқ туманида мавжуд бўлган 18 нафар томорқа ер эгасига тўлиқ етказиб берилгандан сўнг, тузилган далолатномага асосан Бошқарма томонидан тўлаб берилади.

2.5. Бешариқ туманида мавжуд бўлган 18 нафар фуқаролар томонидан бажарилган иш ёки хизмат ва етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги далолатномага ҳоким ёрдамчиси ҳам имзо чекади ва фуқаро томонидан мақсадли фойдаланиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради ва шахсан жавоб беради.

## III. Шартнома тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. **Бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

тақдим этилган икки томонлама шартномани ўз вақтида имзолаш ва шартномада назарда тутилган субсидияни ўз вақтида тўлаб бериш;

Бешариқ туманида мавжуд бўлган 18 нафар томорқа ер эгаларига шартномада назарда тутилган маҳсулотлар етказиб берилмаган тақдирда пул маблағларини қайтариб олиш бўйича **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ**га талабнома бериш;

**"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** ва томорқа ер эгаларидан шартномага кўра харид қилинган маҳсулот етказиб берилганлиги бўйича ҳоким ёрдамчиси далолатномасини олиш;

шартнома бўйича енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатишга ажратилган субсидияни **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** га тўлаб бериш.

3.2. **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Томорқа ер эгаларига шартномада кўрсатилган хизматларни ўз вақтида кўрсатиш;

Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Бошқармагага тақдим этиш;

Харид қилинган маҳсулот(лар) яроқсиз бўлса ёки шартномада белгиланган маҳсулот(лар) томорқа ер эгаларига етказиб берилмаган тақдирда субсидия маблағларини Бошқармага зудлик билан қайтариш;

Томорқа ер эгалари томонидан томорқа ер участкасида экин экилганлигини мониторингини олиб бориш;

шартнома шартлари бузилганлиги ҳақида Бошқармани зудлик билан хабардор қилиш;

3.3. **Томорқа ер эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Шартномага кўра харид қилинган (ўрнатилган) маҳсулотлардан самарали фойдаланиш;

**"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** дан шартномага кўра харид қилинган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб берилишини талаб қилиш;

**"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** дан шартномага кўра харид қилинган маҳсулотларнинг зарур сифат параметрлари таъминланган бўлишини талаб қилиш; шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.

## IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Агар **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** томорқа ер эгаларига 15 кун муддатда маҳсулотларни етказиб (ўрнатиб) берилмаган тақдирда олинган субсидияни Бошқармага қайтариши шарт.

Мазкур шартнома ижроси давомида Бошқарма, **"AGRO SERVICE HOUSE" МЧЖ** ва томорқа ер эгаларига зарар етказилса, қонунчиликда белгиланган тартибда бир тараф бошқа тарафга зарарни тўлаб беради.

4.2. Тарафлар мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажармаганликлари учун ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида Бошқармага пеня тўлайди.

4.3. Тарафлар шартнома талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## V. Форс-мажор

5.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

5.2. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса тарафлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

6.2. Тарафлар низоларни ҳал этишда ўзаро келишувга эришилмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## VII. Қўшимча шартлар

7.1. Ушбу Шартнома 2 та (икки) нусхада тузилиб, улар бир хил юридик кучга эга.

7.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча тарафларнинг келишувига кўра ёзма равишда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда киритилиши мумкин.

7.3. Шартноманинг амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йил.

## Тарафларнинг реквизитлари

| **“Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси** | **“AGRO SERVICE HOUSE” МЧЖ** |
|---|---|
| Манзил: Фарғона ш. А.Навоий кўча 17-уй<br>Ҳ/р : **305 4218 6030 4017 0419 0714 0085**<br>"ASIA ALLIANCE" банк Фарғона вилоят филиали<br>МФО: **01173** ИНН: **207 339 183**,<br>Телефон: **73-244-22-71** | Манзил: Данғара тумани Саноат к.си 5-уй<br>Ҳ/р: **2020 8000 2054 4341 8001**<br>**"АГРО БАНК"** Данғара филиали,<br>МФО: **00510**<br>ИНН **308 897 714** |
| Бошқарма бошлиғи ________ А.Абдуллаев<br>М.Ў | МЧЖ раҳбари ________ А.Исмоилов<br>М.Ў |

**Изоҳ: Тарафларнинг келишувига мувофиқ шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177182 на приобретение Енгил конструкцияли иссикхона (Бешарик)

Способ проведения электронный

Дата 28.11.2022

Время рассмотрения 26.11.2022 14:41

Закупочная комиссия Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Фаргона вилояти бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | USMONOV SANJAR MUQUMJONOVICH | Рахбар ўринбосари | Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Фаргона вилояти бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | MURODILOV SOLIJON MA'RUF O'G'LI | Бўлим бошлиғи | Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Фарғона вилоят бошқармаси |
| **Член комиссии** | XAKIMOV IZATILLO RAVSHANJON O'G'LI | Бош мутахассис | Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Фаргона вилояти бошкармаси |
| **Член комиссии** | ABDUAZIZOV SARVARBEK RASULJONOVICH | Бош хисобчи | Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Фарғона вилоят бошқармаси |
| **Член комиссии** | MANSUROV AZAMAT ALIJONOVICH | Бош мутахассис | Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Фарғона вилоят бошқармаси |
| **Член комиссии** | KAMALITDINOV SARVARJON DAVRANALIYEVICH | Бош мутахассис | Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Фарғона вилоят бошқармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.11.2022 года № лота 177182.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 20.00 / Весовой коэф. ценовой части: 80.00)

Мин. балл: 24

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по изготовлению парника** |
|---|---|
| Подробное описание | 1 сотихли субсидия асосида енгил конструкцияли иссикхона куриш. Курилиш ишлари смета хужжатлари ва экспертиза хулосалари асосида урнатилиши ва белгиланган туман - шахарлар буйлаб куриб берилиши шарт |
| Количество товара | 18.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 9 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 162 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчилар томонидан илгари куриб фойдаланишга топширган иссикхоналар тугрисида хужжатлар туплами (планшет) тақдим этилиши талаб этилади.

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчилар томонидан илгари куриб фойдаланишга топширган иссикхоналар тугрисида хужжатлар туплами (планшет) тақдим этилиши талаб этилади.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ AGRO SERVICE HOUSE | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| "OQJAR SIFAT SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Енгил конструкцияли иссикхона куриш учун етарли тажрибага эга булган мутахассислар томонидан таклифлар берилиши максадга мувофик

Тип: Бинарное значение

Описание: 1 сотихдан иборат майдонга пишик, занглмайдиган металлдан фойдалавнилиши керак

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ AGRO SERVICE HOUSE | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| "OQJAR SIFAT SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иссикхона куриш учун ишлатиладиган хом ашё материаллар, жумладан занглмайдиган мустахкам темир металлардан фойдаланиши мақсадга мувофиклиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Иссикхона куриш учун ишлатиладиган хом ашё материаллар, жумладан занглмайдиган мустахкам темир металлардан фойдаланиши мақсадга мувофиклиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ AGRO SERVICE HOUSE | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| "OQJAR SIFAT SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

…енка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OQJAR SIFAT SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 162 000 000.00 | 162 000 000.00 UZS | 162 000 000.00 | 00.00 | 162 000 000.00 | 24.11.2022 14:21:36 | 75.37778 |
| **MCHJ AGRO SERVICE HOUSE** | 162 000 000.00 | 152 640 000.00 UZS | 152 640 000.00 | 00.00 | 152 640 000.00 | 24.11.2022 13:43:15 | 80 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"OQJAR SIFAT SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 18 | 75.37778 | 93.37778 |
| **MCHJ AGRO SERVICE HOUSE** | 20 | 80 | 100 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177182 от 28.11.2022 года на приобретение Енгил конструкцияли иссикхона (Бешарик) определила победителем:

MCHJ AGRO SERVICE HOUSE
308897714

и резервный исполнитель: "OQJAR SIFAT SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302584292)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | USMONOV SANJAR MUQUMJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAKIMOV IZATILLO RAVSHANJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDUAZIZOV SARVARBEK RASULJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MANSUROV AZAMAT ALIJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KAMALITDINOV SARVARJON DAVRANALIYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП